

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРДАН ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдумаликов Раҳимберди Мирзоулугбек ўғли  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар билан ишлашни ташкил этиш фаолияти тушунчаси, бугунги кундаги ҳолати ва фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ҳақида қисқача баён этилган.

**Калит сўзлар:** виктимлик, виктимология профилактика, жабрланган шахслар, жабрланувчи, виктимлик даражалари, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахс.

Ҳуқуқий адабиётларда, шунингдек, ҳуқуқшunos олимларнинг илмий тадқиқотларида **виктимлик – инсоннинг ҳуқуқбузарликдан жабрланиш имконияти эмас, балки инсоннинг ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолати** деган қарашлар мавжуд. Криминологияда ушбу тушунча тор маънода, яъни фақат хаттихаракатлардан жабрланганларга нисбатан қўлланилади.

**Виктимологик профилактика** бу – жиноятларнинг олдини олишнинг ижтимоий тизимига киритилган, жабрланишни келтириб чиқарувчи салбий ҳолатларни бартараф этиш, жиноятнинг потенциал қурбонларини химоя қилиш имкониятларини жадаллаштириш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек якка (*индивидуал*) ва оммавий қурбонларни камайтиришга йўналитирилган умунижтимоий ва **маҳсус криминологик чора-тадбирларнинг кичик тизими**dir.<sup>1</sup> Ҳеч шубҳа йуқки, криминология нуқтаи назаридан жабрланувчиларини тадқиқ этиш мумкин ва шу билан бирга атрофлича ўрганиш лозим.

Агар биз жиноят оқибатида албатта жабрланувчига турли (моддий, ижтимоий, жисман, руҳий, маънавий ва ҳатто ҳалқаро ҳуқуқ тартиботлари ҳам бўлиши мумкин. Ҳатто, ҳуқуқбузарниниг ўзи ҳам ижтимоий ҳавфли қилмишларниниг қурбонига айланиши мумкин (масалан, оммавий тартибсизлнклар, гурухий безориликлар кабиларда.) Айнан ҳуқуқбузарликдан жабрланганларни ҳуқуқбузарлик содир этилишида яқиндан боғланганлиги ҳусусидаги ғояларни юзага келиши ҳозирги кунда янгилик эмас албатта. Бироқ, илк бора яратилган илмий ҳулосаларни XVIII асрда юзага келганлигини ҳам кўриш мумкин. Масалан, классик ҳуқуқшunosлик намоёндаларидан бири

<sup>1</sup> Н.И. Бумаженко Виктимология. учеб.мет.пособия. М.2010. С-102.

Меремия Бентам (1748-1832 йиллар) томонидан қонунчилликка жабрланувчиларга етказилган заарии қоплаш йўли орқали ҳуқуқбузарлик содир этувчиларни маълум бир ҳуқуқбузарлик мақсадларидан ўзларни тийишга олиб келишини таъминлаш мақсадида зарур моддалар киритилиши таклиф этилган. Ушбу таклиф асосида аҳолини ҳуқуқбузарлардан ҳимоя қилишни кучайтиришни позитив ҳуқуқ нуқтаи назаридан Раффаэль Гарофоло ҳам ёқлаган (1852-1934)-йиллар. Немис криминолог олими Сара Морджори Фрей (1894-1958)-йиллар ҳуқуқбузар ва жабрланувчиларни яраштириш муаммолари билан шуғулланганлиги тариҳдан яхши маълум. Ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар муаммосини ўзига хос омили сифатида ўрганилиши эса XX асрнинг биринчи ярмида янада жонланди дейиш мумкин. Ганс фон Гентинг асарларида жабрланувчини ҳуқуқбузарликни юзага келишидаги асосий омил деб кўрсатилган, унинг фикрича жабрланувчилар тўғрисида тўпланган маълумотлар асосида ҳуқуқбузарлик вожабрланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни типларга ажратилиши ва бу холат жиноятлар билан узвий боғликлиги ҳам алоҳида таъкидлани ўтилган.

Шунга кўра,, бу олим -нафақат ҳуқуқбузарликни содир этилишини таҳлил этишни, балки, бунда келгусида қурбонлар кимлар бўлиши мумкинлиги, ва ҳатто латент ҳуқуқбузарликлар ҳолатини ҳам башорат этиш мумкинлигини ҳисобга олиб ўтган.

Таъкидлаш жоизки, виктимология криминологияга оид муаммо сифатида хали ҳам кўпчилик криминология дарслекларида ёки ўкув курсларида ўз ўрнини топмаганлигини кўриш мумкин. Криминология фанида муҳим бўлган ва ҳуқуқбузарлик содир бўлишига жабрланувчининг тутган ўрнини илмий жихатдан билиш ҳуқуқбузарликларни олдини олишда катта аҳамиятга эга эканлигини асло унутмаслик зарур. Ҳуқуқбузарликдан жабрланганларни ўрганиш аниқ мақсад сари йуналтирилгандир ва жабрланувчини ўзи томонидан айрим ҳуқуқбузарликларни юзага келишида сабаб бўлиб хисобланувчи ўзнга ҳос ҳиссаси тадқик этилади.<sup>2</sup>

Шунинг учун биринчи навбатда унинг шахси тўғрисида зарур маълумотлар ва айниқса ҳуқуқбузарликни юзага келишига сабаб бўлувчи ўзини тутишини атрофлича ўрганилиши лозим. Жабрланувчи ўрганилишида шаҳснинг кайси ҳусусиятлари орқасида у ёки бу тарзда ўзини тутишини юзага келганлигини ва ҳуқуқбузар томонидан бундан кейин қандай мақсадларда фойдаланиши ҳам тадқиқ этилмоғи мувофиқдир. Аслида ҳам шунда, яъни, жабрланувчининг шахси ва унинг ҳатти-ҳаракатларини ўрганиш криминологияда ҳам, шу билан бирга турмуш билан боғлиқ турли вазиятларда ҳам муҳим ўрин тутиши эътибордан четда қолмаслиги зарур. Шу қаторда, жабрланувчининг шахси ва ҳатти-ҳаракатлари жиноий қилмишни

<sup>2</sup> Полубинский В.В Виктимологические аспекты профилактики преступлений. – М.1995.

амалга оширишга тайёрланишдан олдин, балки, жиноятни амалга ошириш вактида ва шу билан бирга ҳуқуқбузар томонидан қайта ҳуқуқбузарлик содир этишларида (рецидив) ҳам алоҳида ўрин тутади.

Жабрланувчиларнинг хатти-харакатларини ўрганиш қурбонлар билан боғлиқ ва уларга қарши қаратилган қасд, унинг сабабларини латент бўлиб қолиш холатларини ўрганишга ҳам ёрдам беради ва шу орқали жабрланувчилар томонидан ҳуқуқбузарлик тўғрисида тегишли хокимият ва бошқарув органлари ҳамда мансабдор шаҳсларга ҳабар берилмаганлигининг асл мохиятини билишга ҳам имкон яратади. Баён этилгаиларга кўра ҳуқуқбузарлик оқибатида жабрланганлар шахси ва ўзларини тутишлари билан боғлиқ хатти-харакатларини тадқиқ этиш учун ҳуқуқбузарлик қурбонларини асосан қуидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

- ҳуқуқбузарлик қурбони ва ҳуқуқбузар ўртасидаги муносабат ҳамда уларнинг ўзаро боғланишига;
- жиноятни содир этилишида сабаб ва муҳитни юзага келтириш билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарлик қурбонларининг шахси ва ўзини тутишини мавжудлигига;
- аниқ бир хаётий вазиятларда жабрланувчи томонидан ўзини тутиши оқибатида жиноятни юзага келишига;
- ҳуқуқбузарлик содир этилганидан сўнг айникса, (рецидив) ҳуқуқбузарликларни ўрганишда жабрланувчининг шахси ва уни ўзини тутишига;
- латент ҳуқуқбузарликни юзага келишида жабрланувчининг шахси ва хатти-харакатларидаги ўзаро боғликлик ҳусусиятларига каби.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида давом этаётган испоҳотлар янги давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуий асосларини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини оғишмай ҳимоя қилиш, умуман ҳуқуқ тартиботни таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноятчиликка қарши кураш бўйича янги давлат сиёсатини шакллантириш заруратини шартлайди. Бундай сиёсат асосий ғоялар, вазифалар, қоидалар, назарий жиҳатдан асосланган комплекс ҳуқуқий тадбирларни ўз ичига олади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади».

Жумладан профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини ташкил этишда ҳам олдинга катта қадамлар қўйилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қапши кураш соҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимини

такомиллаштириш борасида ҳайрли ишлар қилинди. Бу борада ички ишлар органларига доир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган кўплаб қарор ва фармонлар ҳуқуқбузарликлар профилавтикаси ва жиноятчиликка қарши кураш тизимида янги бир даврни бошлаб берди. Маълумки, Собиқ иттифоқ даврида ҳатто ҳуқуқбузарликларни олдини олиш соҳасида ҳам синфиийлик нуқтаи назаридан келиб чиқдилар, мафкуравий мазмунга эътибор қаратдилар. Коммунистик жамият қурилиши биланоқ, жиноятчилик ўз-ўзидан йўқолиб кетади, деган утопистик тасаввурларни зўр бериб одамлар онгига сингдирдилар, натижада Собиқ иттифоқдош Республикалар ҳаётидаги жиноятчиликнинг асл ҳолатини бузиб кўрсатдилар. Ҳуқуқбузарликларга қарши кураш реал воқеалик талабларига жавоб бермас, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятида баъзи жиҳатларга, жумладан ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини амалга оширишга умуман эътибор берилмас, бу соҳада жиноят содир этилиши биланоқ дарҳол жиноятчини жазолаш сиёсатига урғу берилар, тергов ва суд жараёнида содир бўлган ҳуқуқбузарликларнинг барча тафсилотлари аниқлаб ўтирилмас, профилактика инспекторлари фаолиятида кўрсаткич учун ишлаш каби салбий ҳолатлар шаклланган. Натижада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жумладан виктимологик профилактика соҳасидаги аҳвол бузиб талқин этиларди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бир қатор норматив-услубий материаллар ишлаб чиқилган. Демак ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жумладан виктимологик профилактикани ташкил этишда профилактика инспекторларининг тегишли тузилмалари хозирда мавжуд қонун ва мёёрий ҳужжатларга асослан.

Республикамиизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий испоҳотлар жамият ҳаётидаги муносабатларнинг тубдан ўзгаришига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланишига, олиб келди. Айниқса, ҳуқуқ-тартибони мустаҳкамлашда испоҳотларнинг амалга оширилиши профилактика инспекторлари ҳуқуқий мақомининг ва унинг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш жумладан виктимологик профилактикани амалга оширишга, фуқроларнинг турли жиноий тажовузлардан муҳофаза қилинишига шароит яратилмоқда. Бунинг натижасида пофилактика ҳизмати жамоат тартибини сақловчи, юридик шаҳслар ва фуқроларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи яхлит тизимга айланди. Бу эса профилактика инспекторларининг ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги аҳамияти ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолдан айтиш мумкинки, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш йўналишлари бугунги кунда ижтимоий шароит тақозо этган заруриятдир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида профилактика фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланадиган ҳуқубузарликларнинг профилактикаси бош бошқармаси ўз тузилмавий бирликларига эга бўлган яҳлит тизимдир. Профилактика инспекторининг ҳуқубузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш йўналишлари олдинги параграфларда кўрсатиб ўтилган хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда бир қатор муаммоларга эга. Масалан, профилактика инспекторининг ҳуқубузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятининг асосий истиқболлари жиноятларнинг алоҳида турлари, тоифалари ва гуруҳларига нисбатан такомиллаштиришга муҳтож.

Маълумки, одамлар онгода ўз-ўзини тарбиялаш, ҳатти-ҳаракаларининг оқибатларини олдиндан кўра билишни ўрганиш, ўз хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатлари натижасида кутилмагандага юзага келган криминоген вазиятни тўғри баҳолай олиш кўникмаларини шакллантириш профилактика инспекторларининг ҳуқубузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини ташкил этишдаги муҳим ижтимоий-руҳий омил ҳисобланади. Бизнинг назаримизда ўз-ўзини баҳолай олиш ва вазиятни таҳлил қила билиш кўникмаси, ҳам якка тартибдаги, ҳам бирор гуруҳ ичидағи ижтимоий ҳатти-ҳаракатларнинг мазмуни ва йўналишини тушуниб олишга ва олдиндан кўра билишга имконият берувчи муҳим кўрсаткичлардир. Шунинг учун ҳам профилактика инспекторининг ҳуқубузарликлардан жабрланган шахслар билан ишлаш фаолиятини ташкил этишда одамлар онгода мана шу кўникмани шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар режалаштирилиб олиниши керак. Ўз навбатида, бу тадбирларда профилактик таъсир кўрсатилаётган шаҳс виктимологик профилактика обьекти, виктимологик профилактикани амалга ошираётган органлар эса субъект, яъни назорат қилувчи ва мажбурловчи куч ролини ўтайди. Ҳуқубузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил қилиш тўғрисидаги бундай тасаввур, бизнинг назаримизда бир томонламадир. Чунки ҳар қандай шаҳс пассив эмас, балки профилактика жараёнига таъсир ўtkаза оладиган фаол куч ҳамdir. Чунки профилактикани амалга ошириш жараёнида шаҳс (таъсир обьекти) ўзаро фаол алоқага киришади. Уларнинг ўзаро алоқаси шунчаки субъектларнинг обьектларга таъсирига қараганда мураккаброқ жараёндир.

Профилактика инспекторлари томонидан виктимологик профилактикани ташкил қилиш жараёнида бу ҳолатнинг инобатга олиниши ва у келтириб чиқарган зарурият асосида чора-тадбирларни режалаштириб олиш бундай фаолиятнинг самарадордигини бир мунча оширади. Шундан келиб чиқсан ҳолда профилактика инспекторларининг ҳуқубузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этишни фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири – мамлакатмизда ҳуқубузарликларнинг олдини олишга қаратилган комплекс тадбирларнинг

барқарор ҳамда узлуксиз бўлишини таъминлашга эришишдир. Улар орасида ташкилий, тарбиявий ва ҳуқуқий тадбирлар алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, бу тадбирларнинг бир-бири билан уйғунлашиб кетиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам ИИВ тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи маҳсус фаолият юритувчи алоҳида бош бошқармасининг мавжудлиги мақсадга мувофиқдир. Маълумки, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича профилактика инспекторлари тузилмалари давлатнинг ички функцияларидан бири бўлган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жумладан виктимологик профилактика функцияларини амалга ошириши бугунги кунда ўзини оқламоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини ислоҳ қилиш муоммоларини ҳал қилмай туриб, ҳуқуқий ўзгаришларни амалга ошириш мумкин эмас. Бу муаммоларни ҳал қилишда эса замон талабларига мос келадиган муносабатлар шаклланиши ва барқарор ишлаши учун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг алоҳида шакли бўлмиш виктимологик профилактиканинг аҳамияти каттадир.

Маълумки **виктимологик профилактика** – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятининг муҳим соҳаси бўлиб, унда амалга ошириладиган чоратадбирлар жиноятчи - қурбон муносабатларини ва шу билан боғлиқ бўлган салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилгандир. Чунки, кўпгина ҳолларда айнан жабрланувчиларнинг ҳулқ-атвори жиноятни содир этилишига кўмаклашувчи омил сифатида баҳолангандар. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қасдан одам ўлдириш, тан жарохати етказиш, номусга тегиш жиноятларининг содир этилишида 57% жабрланувчилар рол уйнаган. Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда оила турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларнинг 82% эркаклар томонидан, 18% аёллар томонидан содир этилган. Аммо фарзандларига зўравонлик қилувчи аёллар эркаклардан кўпроқ учрайди. Виктимологик профилактиканда асосий объект жабрланган шахс (жиноят ёки ҳуқуқбузарлик қурбони) ҳисобланади. Шундан келиб чиқкан ҳолда профилактика инспекторлари ўз фаолиятининг мақсадларига мос келадиган ҳуқуқларга ва шу фаолият билан боғлиқ бўлган мажбуриятларга эгадир. Виктимологик профилактика масаласи жиноятчиликка қарши кураш меҳанизмини такомиллаштириш ҳуқуқбузарликларни олдини олишда профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар устидан виктимологик профилактиканинг имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тизимидаги асосий масалалардан ҳисобланади.<sup>3</sup> Жиноятчиликни бартараф қилиш бугунги кун талабига айланганлиги ҳозирги шароитда виктимологик профилактика ҳуқуқбузарликларни олдини олиш механизмининг ажралмас таркибий қисми эканлигини кўрсатиб турибди.

<sup>3</sup> Криминология: учебник для вузов под ред А.И. Долговой. М, 2015.С.392.

Профилактика инспектори фарлиятида ҳуқуқбузарликлар пофилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш жараёнида виктимологик профилактиканинг алоҳида ўрнини таъкидлаб шуни айтиш лозимки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жараёнида профилактика инспектори томонидан виктимологик профилактика имкониятларидан фойдаланиш бутунлай янги поғонага қўтарилиши керак. Ўзбекистон Республикасида "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинганлиги ва бу қонунда биринчи маротаба ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси тушунчаси қўлланилганлиги муносабати билан юридик фанда бу тушунчани ҳуқуқбузарликка қарши кураш борасидаги ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб ўрганиш зарурияти пайдо бўлди. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятининг турли жиҳатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, айнан ҳуқуқбузарликларни олдини олишда виктимологик профилактика имкониятларидан фойдаланишни ташкил қилишнинг самарасини ажратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.<sup>4</sup> Бу самара бугунги кунда жиноят қурбонларининг ҳатти-ҳаракатлари асосида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлар структураси ва динамикаси тўғрисида фикр юритишига имкон беради. Пировардида ҳуқуқбузарлик учун ким жазолангандиги эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қандай профилактик тадбирлар самаралироқ, сифатлироқ ва тезроқ амалга оширилиши муҳимлигини аниқлашга имкон яратиб берди. Фақат жиноятчиликка қарши курашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уларни келтириб чиқарувчи омиллар сабаблар ва шароитлар хар томонлама аниқлангандагина амалда мавжуд салбий омилларга қарши курашиш бўйича фаолият шаклларидан энг самаралиларини танлаб олиш ва мазмунан янгиларини яратиш мумкин бўлади. Шунинг учун хам профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар билан ишлаш устидан виктимологик профилактикасини ташкил этишини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири – ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга ошириш фаолияти бўйича ижобий амалий тажрибаларни кенг жорий қилиш ҳисобланади. Айнан шу ҳолат профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини истиқболли йўналишларини такомиллаштириш борасида юридик фан ва амалиётнинг мустаҳкам алоқада бўлишини таъминлашга ёрдам беради. Фикримизча, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар билан ишлашда виктимологик профилактикаси фаолиятини ташкил этишининг асосий вазифаларидан бири виктимологик профилактика имкониятларидан фойдалани ҳисобланади.

<sup>4</sup>Муродов А. Ш, Оиладаги зўравонлик билан боғлик ҳуқуқбузарликларнинг криминологик тавсифи //Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. 2017 й, 3-сон. –Б, 48-54.76

Бу жиноятчиликка қарши курашувчи органлари ва профилактика инспекторлари фаолиятида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имкониятларидан тўғри фойдаланиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмини яхши ишлашига имкон беради. Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бўйича реал шартшароитни тўғри англаб олишга кўмаклашади. Бизнинг назаримизда, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларини илмий-назарий жихатдан мақсадга мувофиқлик ва амалий натижа туфайли комплекс ёндашув муайян ташкилий-олдини олиш ва ташкилий ҳуқуқий тадбирларни белгилаб олиш ҳамда профилактика инспекторлари олдида турган вазифаларни ҳал қилиш заруриятига асосланиши керак. Шунингдек, жиноятчиликка қаши кураш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ёрдамида ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда профилактика инспектори фаолиятида виктимологик профилактика имкониятларидан фойдаланиш бир маротабалик ходисага айланиб қолмаслиги лозим. Бу ҳуқубузарликлар профилактикаси жиноятчиликка қарши курашнинг конкрет механизмларини тартибга солиш методларини доимий равишда такомиллаштириб боришни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан шуғулланувчи тузилмавий бирликлар ўртасидаги ҳамкорлик шаклларини кўпайтирилишини ҳам талаб қиласди. Виктимологик профилактика имкониятларидан фойдаланиш фақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жараёнларига давлат томонидан аралашиш натижасидагина эмас, балки маълум ҳудудда юзага келган криминоген шароит таъсири натижасида ҳам шаклланиши мумкин. Бунда каттароқ тузилмавий бирликлар юқорироқ даражадаги профилактика самарадорлигига, мавжуд куч ва воситалардан фойдаланиш даражасига моддий техник жиҳатдан қулайроқ имкониятларга эга бўлиши мумкин. Виктимологик профилактика инситути ёрдамида жиноят ёки ҳуқуқбузарликлар содир этилишида айбдор ва жабрданувчи ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, майший алоқаларни аниқлаб олишдан манфаатдор бўлган тузилмавий бирликларнинг манфаатлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан шуғулланувчи тузилмалар манфаатларига мос келиши мумкин. Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар билан ишлаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ҳуқуқий тақчиллик ҳукм суроётган, уни қўллаб-қувватлаш масаласини давлат миқёсида ҳал қилишга эҳтиёж мавжуд бўлган ҳозирги шароитда бу борадаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий қилишни ҳуқуқий ва идоралараро дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш билан ҳал этиш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси. Т-2023/
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни,
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябдаги "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2022.– № 15. –1 243.
5. Н.И. Бумаженко Виктимология. учеб.мет.пособия. М.2010. С–102.
6. Полубинский В.В Виктимологические аспекты профилактики преступлений. – М.1995.
7. Криминология: учебник для вузов под ред А.И. Долговой. М, 2015.С.392.
8. Муродов А. Ш, Оиласдаги зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликларнинг криминологик тавсифи //Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. 2017 й, 3-сон. –Б, 48-54.76